

МАХСУДОВ Давронбек

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси
профессори, тарих фанлари доктори

МУНОСАБАТ ИЛМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Муносабат илми тафсир илмининг бир соҳаси бўлиб, у илк ислом даврига бориб тақалади. Бу илм авваломбор, Қуръоннинг азалдан тартибланган ўзаро боғлиқлигини яхлит шаклда ўрганадиган фан тармоғидир. Чунки оятлар ва суралар ўртасидаги боғлиқликни билмай туриб, айрим оятларни англаш мумкин бўлмайди. Аксинча, бу ҳол оятни нотўғри тушунишга ҳам олиб келади.

Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос ҳам хорижийлар билан бўлган баҳсда уларнинг оятлар борасидаги эътирозларига жавобан оятларни бир-бирига боғлаб тушунтириб берганлар. Бироқ ушбу илм тафсирнинг бошқа соҳаларидан фарқли равишда тавқифий, яъни Пайгамбар (с.а.в.) томонидан асос солинмаган. Балки у ақл ва ижтиҳодга таянилган илмдир.

Калит сўзлар: муносабат, боғлиқлик, илм, сура, оят, тафсир, муфассир, нақл, ақл.

Аннотация. Наука мунасабат считается одним из отраслей тафсира и он восходит к началу ислама. Мунасаба – это наука, которая говорит о мудрости соотношения и гармонии в порядке каждого аята и каждой суры Корана. Не зная связанность между аятами и сурами невозможно понять некоторых аятов и это приводит к неправильному пониманию аятов.

Сахабит Абдуллах ибн Аббас во время дискуссии с хариджитами отвечая на их возражения давал объяснения ссылаясь на взаимосвязанность между аятами. Но эта наука отличаясь от других отраслей науки тафсира не является тавкифом, то есть не был основан со стороны Пророка Мухаммада (мир ему и благословение). Но он основывается на разум (ижтихад).

Ключевые слова: мунасабат, связанность, наука, сура, аят, тафсир, муфассир, накл, акл.

Abstract. The science of Munasabah is a branch of Tafseer science that dates back to the start of Islam. Munasabah is a science that talks about the wisdom of correlation and harmony in the order of each verse and each surah in Qur'an. Without knowing the correlation between verses and surahs, it is impossible to understand

some verses and this leads to misunderstanding of the verses.

Sahabit Abdullah ibn Abbas, during a discussion with the Kharijites, responding to their objections, gave explanations referring to the correlation between the verses. But this science, unlike other branches of science tafsir is not tawqeefi, i.e., it was not founded by the Prophet Muhammad peace be upon him. But it is based on reason (ijtihad).

Keywords: munasabah, correlation, science, surah, ayah, tafseer, mufassir (the writer of a commentary on the Quran), reason, revelation.

Кириш

“Муносабат” сўзи луғатда “яқинлик”, “ўхшашлик”, “боғлиқлик” маъноларини билдиради. “Фалончи фалончига муносиб” деган жумла ҳам унга яқин ва шаклдош мазмунини англатади.

Истилоҳда эса, Қуръоннинг тартибланиши сабабларини ўрганадиган илм дея таъриф берилган [3; 6]. Яъни Қуръон суралари ва оятлари нима сабабдан шу тарзда тартибланганини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганувчи илмдир.

Қуръони карим бундан салкам 15 аср муқаддам сура ва оятлар шаклида, кетма-кетликда тартибланган. Шундан келиб чиқилса, муносабат илмида Қуръон калималари, жумлалари, оятлари ва сураларини бир боғлиқда ўрганиб, улар бир маъно ва бир назмдек тушунилади.

Бундан келиб чиқиб, баъзи олимлар уни Қуръон жузларини тартиблаш сабаблари ўрганадиган илм, дея таърифлаганлар. Абдулҳамид Фарроҳий уни “Назм ал-Қуръон” (Қуръоннинг назми ва ягона бир тизими) деб номлаган. Айрим олимлар эса, уни “Ваҳда мавзуия” (бир мавзу - Қуръон ягона мавзу доирасидаги китоб), яъни мавзуларнинг бирлиги деганлар [1; 117-119].

Шундан келиб чиқиб, айрим муфассирлар ушбу илмга кенг эътибор қаратганлар. Бироқ барча тафсир китобларида ҳам ушбу масалага аҳамият қаратилмаган. Чунки бу илмдаги мураккабликлар, уни тушуниш ва англашликлардаги қийинчиликлар ҳамда оятларни тафсир қилишда асосан Қуръоннинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга берилган аҳамият сабабли мазкур соҳа билан шуғулланишда кечикишларга олиб келинган.

Асосий қисм

Қуръони карим нозил бўлган илк даврларда асосан уни англаш ва тушуниш ҳамда унга амал қилишга катта эътибор қаратилган. Бироқ кейинчалик Қуръон билан боғлиқ ва унда зикр қилинган бир қанча илмлар пайдо бўлиб, ривожлана борди. Жумладан, тафсир илмининг ўзи ҳам дастлаб ҳадис таркибида бўлган, лекин тафсирга кўрсатилган аҳамият сабабли ушбу тафсир алоҳида фан сифатида шаклланди. Кетма-кетликда тафсирнинг ўзида ҳам бир қанча илмлар ривожлана борди. Булар қаторида нақлий ва ақлий тафсирлар, ишорий ва фалсафий, луғавий ва тарихий, ақидавий ва фикхий тафсирлар ҳамда бошқаларни зикр қилиб ўтиш мумкин. Муносабат илмининг асослари ҳам дастлаб, саодат асрида пайдо бўлган бўлса-да, бироқ унинг алоҳида илм сифатида шаклланиши кейинроқ кечди. Янада аниқроқ айтганда, X асрда муносабат илмини билган олимлар бўлгани айтилса, XII-XIII асрларда тафсирларда қўлланила бошлангани таъкидланади. XV асрда эса, бунга доир китоблар ёзилган. XX асрда бу илм янада кенг изланишларга дуч келган.

Аслида оятларнинг бир-бири билан, бир оятнинг ўзидан олдинги ва кейингиси билан боғлиқлигини ҳар бир муфассир билиши керак бўлган илмлардан саналади. Балки бир оятнинг ўзидаги жумлаларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам ўрганиш керакки, шунда Қуръоннинг мазмуни тўла очилиб, маъно равшанлашади.

Бу борада машҳур Қуръоншунос олим Имом аз-Заркаший шундай дейди: «Ҳар бир оятни ўрганишда, авваламбор, унинг олдинги оят билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини, улар ўртасида қандай муносабат борлигини тадқиқ қилиш билан билим мукамал бўлади. Шу каби суралар ўртасида ҳам муносабат борки, уларни ўрганиш билан тафсир маъноси тақомилига етади» [2; 37].

Демак, оятлар орасидаги муносабат, яъни боғлиқлик илмини билиш билан мавҳум нарсалар ёрқинлашади, бир нечта эҳтимолли маъноларнинг бири аниқланади, ом тушунчалар хосланади, мутлоқ қайдланади, шундагина Қуръон маъноларидан кўзланган мақсадга эришилади. Масалан, Духон сурасининг 49-оятида: “Тотиб кўр, албатта сен ўзинг “азиз” ва “мукаррамсан”, дейилади. Бир қарашда ушбу оят хитоб қилинаётган шахс ижобийдек

кўринади. Бироқ ундан олдинги оятларни ўқиган одам, аксинча ушбу шахснинг жаҳаннам оловида азобланаётганини англайди. Оятда келаётган сўзлар эса, унинг ўз қавми олдида азиз ва ҳурматли эканлигига далолат қилади. Чунки Абу Жаҳл ибн Ҳишом¹ ўз қавми орасида бообрў инсон бўлган ва у бу билан доимо фахрланган. Ҳатто Пайғамбар (с.а.в.)га буни эслатиб, бир неча бор азоб ҳам берган. Мазкур оятда унга дўзах азобидан татиши, у бир пайтлар эътиборли одам бўлгани эслатилмоқда.

Шундай экан, ушбу илми ўрганиш муҳим саналади. Тафсир илмини ўқитишда муносабат илмини сабаби нузулдан олдин ўрганиш керак бўлади. Имом аз-Заркаший айтади: «Одатда муфассирлар китобларини сабаби нузул илмидан бошлайдилар. Бироқ улар ўртасида баҳс бор: дастлаб сабаби нузулдан бошлаш керакми ёки муносабат илмидан. Бу борадаги хулоса шуки, муносабат илми сабаби нузул илми билан ҳамоҳанг тарзда бўлиши керак. Нисо сураси 57-оятида: «Албатта Аллоҳ сизларга омонатларни ўз эгаларига беришларингизни буюради» дейилади. Мазкур оятда сабаби нузулни олдин келтириш керак. Чунки бу ерда маъно олдинги оятлар билан боғлиқликдан кўра, сабаби нузулни билишда кенгрок очилади. Олдинги оятларда эса, имон келтириб, солих амал қилганлар ҳақида кетади. Демак, бу оятда сабаблар мақсаддан олдин қўйилиши керак. Бироқ, умуман олганда, муносабат илми олдин келгани мақбул саналади».

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, муносабат илми Қуръон ва унинг сураларини бир-бирига боғлиқ, ягона бир мазмун сифатида ўрганади. Шу маънода суралар мавзуларининг боғлиқлиги ва бирлиги илми муносабат тушунчаси ичига қиради.

Сурадаги мавзулар боғлиқлиги илми. Сурадаги мавзулар боғлиқлиги илми деганда сурада келган мавзулар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ягона бир мавзу доирасида ўрганилиши ва бу билан Қуръоннинг буюклиги ва мўъжизакорлиги зоҳир бўлишига айтилади. Бу илм билан суранинг турли мавзулари, уларнинг ўртасидаги тартиби, кетма-кетлиги ва бир мавзу доирасида келиши ўрганилади.

¹ Абу Жаҳл ибн Ҳишом – Амр ибн Ҳишом (ваф. ۶۲۴) Маккадаги йирик бойлардан бир эди. Ўз даврида Пайғамбар (с.а.в.)га қарши душманчилик қилиб, Бадр урушида ҳам қатнашади ва у ерда вфот этади. Уни Абу Жаҳ (жаҳолат отаси) деган лақаби бўлган.

Сурадаги мавзуларнинг бирлиги илми. Бу илм сурадаги барча мавзуларни умумий бир мавзу доирасида ўрганади, мақсад ва ғояларини боғлайди ҳамда бу билан сура бошидан охиригача бир мақсадга хизмат қиладиган гўё бир жумла каби эканлиги очиб берилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *муносабат* илми *боғлиқлик* илмига олиб борса, *боғлиқлик* илми *мавзуларнинг бирлиги* илмига олиб боради [1; 117-119].

Оятлар ўртасидаги муносабат илми кенг илм бўлиб, баъзилари сураларнинг ўзаро боғлиқлиги билан аниқланади, яна баъзилари сура исмлари, уларда кўтарилган мавзулар, сураларнинг бошланиш ва тугаши каби бир нечта сабаблар билан боғлиқ бўлади. Бироқ биринчи галда, ўқувчи оятлар орасидаги муносабат, сўзларнинг тушунчалари, маъно ва ҳукмлари орасидаги боғлиқликни ўрганиш керак. Чунки оятлардаги асл масала улар ўртасидаги кўзланган мақсаддаги боғлиқликни ёки жумлаларнинг бир-бирига боғлиқлигидан келиб чиқиб услубларини билишдир.

XX асрнинг машҳур муфассирларидан Ибн Ошур² “ат-Таҳрир ват танвир” тафсирида сура номланиши, фазилати ва нозил бўлиш вақтини баён этиб, сураларнинг мазмун ва мақсадларига тўхталади ҳамда балоғат ва муносабот илмларига аҳамият қаратади. Буни муаллифнинг ўзи муқаддимада қуйидагича баён этади: “Тафсирида эъжоз йўллари, араб балоғати ва фойдаланиш услублари, оятлар баъзиларининг базиларига муносабатига эътибор қаратдим. Албатта, муносабат илми улуг бўлиб, унга Фаҳруддин ар-Розий катта эътибор берган, Бурҳонуддин ал-Бақоий эса, “Назмуд дурар фи таносубил ойи вас сувар” китобини ёзган. Лекин улар кўплаб оятларда қаноатли мисолларни ва аниқ мулоҳазаларни бермаганлар” [4; 165].

Абул Ҳасан аш-Шаҳробоний³ айтади: “Абу Бакр ан-Найсабурий (ваф. 324/936) Бағдодда

биринчи муносабат илмини ёритиб берган, ундан олдин бу ҳақда ҳеч кимдан эшитмаган эдик. Ушбу олим шариат ва одоб борасида етакчи бўлиб, минбарда ўтирган ҳолида “Нима учун ушбу оятни буниси билан айтдинг, бу сурани наригиси билан ёнма-ён ўқишининг ҳикмати нимада?”, дер ва Бағдод олимларига танбех бериб қўяр эди” [4; 165].

Бироқ ушбу илмнинг келиб чиқиши борасида аниқ жавоб айтиш қийин. Чунки ушбу илмнинг асослари саҳобалар даврида бўлган бўлса-да, у илм сифатида айрим тафсирлардагина зикр қилинган ҳолос.

Бундан кейин Имом Фаҳриддин ар-Розий ўз тафсирида муносабат илмига аҳамият қаратди ва шундай деди: “Мен бу борада кўплаб муфассирларнинг юз ўгиргани, унинг сир-асрорларига эътибор қаратмаганликларини кўрдим”.

Абул Ҳасан ал-Ҳаролий ал-Мағрибий (ваф. 637/1239) марокашлик тафсир, наҳв олими бўлиб, ёзган еттита асаридан бири “Мифтоҳ ал-боб ал-муқаффал лифаҳм ал-Қуръон ал-муназзал” (“Нозил бўлган Қуръонни тушунишда қулфланган эшик калити”) деб номланади [9]. Ушбу олим ҳақида ал-Мановий айтади: «У тафсир китоби ёзган бўлиб, унда ҳақиқатлар, дақиқ фикрлар ва маҳоратини намоён этган. Оят ва сураларнинг муносабатига доир маълумотларни ақллар лол қоладиган даражада келтирган. Агар ушбу олим бўлмаганида ал-Бақоий китоб ҳам ёза олмас эди. Лекин ушбу китоб охирига етмай қолган». Ал-Бақоий “Назм ад-дурар фи таносиб ал-оят вас сувар” китобининг барчасини шундан олган экан. Шу тарзда ал-Бақоий алоҳида китоб ёзди ва унинг ёрқин илм эканини кўрсатди.

Олимлар ушбу илмни шундай услубда ўрганиб келдилар, унинг янги жиҳатларини кашф қилдилар. Натижада бугунги кунда ушбу илм орқали суранинг ягона мавзуси ва ўзаро мутаносиблиги ҳам алоҳида ўрганилмоқда.

Тадқиқотчилар орасида мазкур илмнинг аҳамияти ҳақида бир қатор фикрлар айтилади. Жумладан:

Ушбу илмнинг аҳамияти борасида Фаҳриддин ар-Розий айтади: “Қуръон тартиби ва боғлиқликлари орасида энг кўп латифликларга эга илм”.

² Муҳаммад Тохир ибн Ошур – Тунислик муфтий, замонавий муфассирлардан (ваф. 1973). У ўзининг “ат-Таҳрир ват танвир” номли тафсирини салкам 39 йилу 6 ой давомида ёзган.

³ Абул Ҳасан аш-Шаҳробоний – Бағдоднинг Шаҳробон мавзесида таваллуд топган. Уни айримлар Абу Али дейишади, ундай эмас, балки Абул Ҳасандир. Абу Бакр ан-Найсабурий билан боғлиқ ушбу ривоятни Имом аз-Заркашӣ (у Ибн Арабийдан ривоят қилган бўлиши мумкин) ва Жолулиддин ас-Суютий “ал-Итқон” келтирганлар.

Имом ас-Суютий: “Ушбу илм шарафли бўлиб, муфасирлар унга кам аҳамият қаратадилар”, деган.

Ал-Бақоий “Назм ад-дурар” китобида: “Унда балоғат сири жойлашган. Чунки у билан ҳолат тақозо этган маънолар адо этилади, сурадан кўзланган мақсад очилади, бу билан барча жумлаларда ирода қилинган мақсад ифода этилади. Шу боис ҳам бу илм энг нафисига айланди. Унинг даражаси наҳв илмида баён илмининг даражасига ўхшайди”.

Ал-Изз ибн Абдуссалом айтади: “Муносабат яхши илмдир. Лекин унинг гапни чиройли боғлаш учун аввали билан охири мустаҳкам бойланиши керак”.

Ушбу илмнинг фойдалари ҳақида қуйидагича фикрлар айтилган:

- муносабат илми ёраида инсон қалбида тартиб ва назм борасида тафаккур қилинмаслиги сабабли пайдо бўладиган шакшубҳа кетказилади;

- Қуръонда қоидаларнинг жорий бўлиши, ҳукмлар ҳикматлари, шариат ҳукмлари орасидаги боғлиқликни тўла англашга ёрдам беради. Масалан:

قل للمؤمنين يغضوا من أبصارهم ويحفظوا فروجهم ذلك أزكى لهم [النور: ٣٠]

Маъноси: “Мўминларга айтинг: кўзларини юмсинлар ва фаржларини сақласинлар. Бу уларни энг поклайдиган нарсадир”. Фаржни сақлаш эса, кўзни тийиш билан мукамал бўлади;

- оятларни тушуниш ва мақсадни англашга қўмаклашади. Бунга والصافات [١] оятидаги “соффат”дан мурод жумхур олимлар қавлига кўра фаришталар, баъзиларнинг гапига кўра қушлардир. Агар сура боши билан охири وإنا لنحن الصافون . وإنا لنحن المسبحون [الصافات: ٥٦١، ٦٦١] маъноси: “Ва албатта биз саф торгувчимиз. Ва албатта биз тасбиҳ айтгувчимиз” боғланиб, сура охиридаги фаришталар ҳақида гап кетганини билгач, бошида ҳам фаришталар ҳақида гапирилгани англанади.

Муносабат илмига доир бир қанча китоблар ёзилган бўлиб, улар орасида қуйидагиларини санаб ўтиш мумкин:

Абу Жаъфар Аҳмад ибн Иброҳим Ибн Зубайр ал-Ғарнотийнинг (ваф. 807/1404) “ал-

Бурҳан фи тартиб сувар ал-Қуръон” (“Қуръон сураларини тартиблашда далилдек китоб”);

Бурҳониддин ал-Бақоийнинг (ваф. 885/1480) “Назм ад-дурар фи таносиб ал-оят вас сувар” (“Оят ва суралар мутаносиблигида дурларни териш”);

Имом ас-Суютийнинг (ваф. 911/1505) “Асрор ат-Танзил” (“Қуръон сирлари”), “Таносиқ ад-дурар ва таносиб ас-сувар” (“Дурларнинг тизилиши ва сураларнинг боғлиқлиги”), “Маросид ал-матوليъ фи таносиб ал-мақотиъ вал матолиъ” (ушбу китобда сураларнинг бошланиши ва тугаши ўрганилган);

Абдуллоҳ ал-Ғаморийнинг “Жавоҳир ал-баён фи таносиб сувар ал-Қуръон” (“Қуръон сураларининг мутаносиблигини жавҳардек баён этиш”);

Аҳмад Абу Зайднинг “ат-Таносиб ал-бёний фил Қуръон” (маъно ва товушлар тузилиши ўрганилган докторлик тадқиқот иши);

Хадижа Икр ал-Арабийнинг “Лисонот ал-хитоб ал-Қуръоний” (“Қуръоннинг хитобий тили”).

Шу билан биргаликда муносабат илмига махсус бағишланмаган бўлса-да, бироқ унга доир маълумотлар келтирилган ва унга эътибор қаратилган китоблар ҳам мавжуд. Жумладан:

Ибн Абу ал-Исбаъ ал-Мисрийнинг “Таҳрир ат-таҳбир фи синоат аш-шеър” ван наср ва баён эъжоз ал-Қуръон” (“Шеър, насрни яратиш ва Қуръон эъжозини баён этишда гўзал таҳрир”);

Жалолиддин ас-Суютийнинг “Мўътарак ал-акрон фи эъжоз ал-Қуръон” (“Қуръон эъжозида яқинлар кураш майдони”);

Абдул Қохир ал-Журжонийнинг (ваф. 1078) “Далолил ал-эъжоз” ва “Эъжоз ал-Қуръон”;

Мустафо Содик ар-Рофийийнинг “Эъжоз ал-Қуръон вал балоға ан-набавия” (“Қуръон эъжози ва пайғамбарлик балоғати”);

Оиша Абдурахмоннинг (Ал-Азҳари шарифда биринчилар қаторида газета нашр қилиш, хусусан ал-Аҳром газетасини чоп қилиш билан шуғулланган ҳамда адабиёт ва исломий тадқиқотлар учун Қирол Файсал) мукофотини қўлга киритган аёл) “ал-Эъжоз ал-баёний ва масоил Ибн ал-Азрак”;

Абул Ҳасан Али ар-Руммонийнинг “ан-Нукат фи эъжоз ал-Қуръон” (“Қуръон эъжози борасида нукталар”);

Абу Сулаймон ал-Хаттобийнинг “Эъжоз ал-Қуръон”;

Аҳмад Аҳмад Бадявийнинг “Мин балоға ал-Қуръон” ва б.

Шуни таъкидлаш керакки, ислом уламолари ўртасида муносабат илмининг жоиз ёки жоиз эмаслиги борасида ҳам бир катор фикрлар айтилган. Жумладан, кўплаб олимлар ушбу илмда оят ва сураларнинг орасини боғлашда ортиқча тақаллуф, ўз билармонликни қоралаганлар.

Бундан ташқари улар бу илмни ортиқча тақаллуф, оятлар турли жойларда турли воқеалар билан нозил бўлган, шу сабабли уларни ўртасида муносабат талаб этилмайди деганлар. Бундай олимлардан бири Валиюддин ал-Малавий⁴ бўлиб, Имом ас-Суютий уни “Мўътарака ал-акрон” асарида зикр қилган.

Ал-Изз ибн Абдуссалом муносабат борасида боши билан охири боғланадиган гап гапиришни шарт қилган, агар турли сабаблар воқе бўлган бўлса, унда боғлиқлик бўлмайди. Агар шу ҳолатда ҳам боғлашга интилган инсон тақаллуфчи ва кичик сабаблар билан боғлашга интилган ҳамда чиройли гапиришга интилган киши саналади. Чунки Қуръон йигирма йилдан ортиқроқ вақтда турли сабаб ва воқеалар билан нозил бўлди, шундай экан ораларида боғлиқлик бўлиши камдан кам кузатилади.

Ал-Мукрий ўзининг “Нафх ат-тиб мин ғасн ал-Андалус ар-ратиб” китобида ал-Ҳарролий ал-Мағрибий ҳақида зикр қилиб, айтади: “У (ал-Ҳарролий) ва Шайх Иззуддин Абдуссалом ўртасида воқеа содир бўлади. Иззуддин ал-Ҳарролийнинг тафсирини кўриб, унда муносабат илми кўплиги, бироқ муфассирлар сўзлари камлиги учун: “Муҳоҳиднинг сўзи, Фалончи ва Фалончининг сўзлари қани?” деб айтади”.

Имом аш-Шавканий ўз тафсирида Бақара сураси 42-оят тафсирида айтади: “Билгинки,

кўплаб муфассирлар тақаллуфчи илмга мурожаат қилганлар, суза олмайдиган денгизга шўнғиганлар, фойда келмайдиган илмга вақтларини сарфлаганлар ва Аллоҳнинг Китоби билан боғлиқ масалаларда ўз фикрларини айтганлар. Чунки улар Қуръон тартибига кўра муносабат ҳақида фикр билдирганлар. Бу билан улар инсофдан ташқари, нафақат Аллоҳнинг сўзи, балки балоғат аҳли гапидан узоқ гапни айтганлар. Ҳатто бу борада ал-Бақоийдек, алоҳида китоб ҳам ёздилар”.

Бунга жавобан бошқа олимлар ўз муносабатларини билдирганлар. Жумладан, Имом аз-Заркаший ўзининг устозларидан қуйидаги гапни нақл қилади: “Баъзилар оятларда муносабат қандай ҳам бўлиши мумкин дейдилар. Чунки оятлар турли воқеалар ва мурожаатлар асосида ҳамда турли воқеаларга кўра нозил бўлган бўлса-да, азалий ҳикматга кўра тартиблидир. Мусхаф сура ва оятлари тавфиқий асосда тартиблангандир”. (2; 37).

Бундан ташқари Муҳаммад Абдуллоҳ Дарроз шундай дейди: “Қуръони карим нозил бўлганидан кейин турли оятлардан жамланган бўлса-да, нозил бўлишида аввал жамланган жойдан тушган. Гўёки, бир бинони бошқа ерга кўчириш керак бўлиб қолса, унинг ғиштлари рақамланади ва жойидан тарқоқ ҳолда кўчирилади, сўнгра ҳар бир ғишт рақами бўйича ўз жойига кўчирилиб жамланади, натижада яна аввалгидай бир жойга йиғилади”. (5; 57).

Бу каби фикрларнинг турлича бўлиши сабабли олимлар муносабат илмининг қоидаларини ишлаб чиққанлар ва буни тафсир қилишда эътиборга олишни белгилаб берганлар. Улар қуйидагилар:

биринчиси, сура орқали умумий муносабатни англаш. Ал-Мишролий ал-Мағрибий айтади: Қуръонда муносабатга доир инсон билиши керак бўлган умумий фойда шуки, сурадан кўзланган мақсадга қараш, сура бошланишида мақсадга олиб борадиган масалалар, шунингдек Қуръон тингловчиси ҳукмлар ва балоғат илми тақозо қиладиган жойларга эътибор қаратиши керак бўлади.

Ал-Бақоий муносабат илми таърифида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, айтади: “Сурадан кўзланган мақсадни англаш билан муносабатни билиб олиш ва шундан келиб чиқиб барча жумлалардаги мақсадни ҳам тушуниш

⁴ Валиюддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ал-Усманий ал-Малавий аш-Шофий (ваф. 764/1363) тафсир, фикҳ, тасаввуф борасида етук билимли зот бўлган. Бундан ташқари Абул Аббос Шихобуддин Аҳмад ибн Абдулфаттоҳ ибн Юсуф ибн Умар ал-Мужирий ал-Малавий аш-Шофий ал-Азҳарий 1088-1181/1677-1767 йилларда яшаган аллома ҳам мавжуд. У ақида, ахлоқ, сийрат, мантиқ, тилшуносликка оид ўндан ортиқ асарлар ёзган. Бироқ у Жалолиддин ас-Суютийдан кейин яшаган. Шу сабабли биринчи зикр қилинган олим бўлиши аниқроқ.

мумкин бўлади. Шу боис ҳам муносабат жуда нафосатли илм саналиб, наҳвда баён илми қандай даражада бўлса, муносабат ҳам тафсир илмида шу даражададир” [3; 6];

иккинчиси, Имом аз-Заркаший айтади: “Қуръондаги одат ҳукмлар зикр қилинган, амал қилишга туртки бўлиши учун орқасидан ваъда ва ваъидлар (зажрлар) айтилади. Ҳукмларни бажаришга чақирик бўлиши учун ортидан рағбат ва зажр қилиш табиий бўлади. Сўнгра Буюрувчи Аллоҳнинг буюклиги билиниши учун тавҳид ва танзих оятлари зикр қилинади. Бақара, Нисо, Моид ва бошқа суралар борасида фикр юритилса, буларни топиш мумкин”. [2; 40];

учинчиси, ваъда ва ваъид, башорат ва огоҳлантириш, тарғиб ва қўрқитиш кабиларнинг орасидаги боғлиқлик ҳар бир ақл эгасига маълум, шу боис уларни боғлашда ортиқча ҳаракат қилишнинг ҳоҷати мавжуд эмас;

tūrтинчиси, Имом ас-Суутий айтади: “Куръондаги одат бўйича банданинг амал дафтари зикр қилинганда банданинг дунёда қилган ёки қилмаган амали қиёмат куни кўрсатилиши айтилади. Бунини Кахф сураси, -۴۹ оятида ҳам кўриш мумкин: (وضع الكتاب [الكهف: ۹۴] ... فترى المجرمين مشفقين مما فيه) (ولقد صرفنا في هذا القرآن للناس من ۵۴) (الكهف: ۴۵) ... كل Куръонда инсонларга ҳамма нарсаларнинг масали айтилгани баён қилинади. Бу ерда ҳам оятлар ўртасида боғлиқлик мавжуд.

Муносабат ҳақида гапирганда, Қуръони каримда унинг куйидаги уч тури зикр қилинганини айтиш керак:

бир сурадаги оятлар ўртасидаги
боғлиқлик;

икки сўра орасидаги боғлиқлик;

суралар орасидаги умумий муносабатлар.

Юкорида зикр қилинган биринчи тур,
яъни *бир сурадаги оятлар ўртасидаги
муносабат*нинг ҳам бир нечта кўринишлари
мавжуд. Жумладан:

1) сура бошланиши ва охири ўртасидаги муносабат. Масалан, Бақара сураси аввалида мўминлар сифати билан бошланади: (الذين يؤمنون بالغيب ويقيمون الصلاة ومما رزقناهم ينفقون) [البقرة: ٣] сура охирида ҳам мўминлар ҳақида сўз юритилади:

(آمن الرسول بما أنزل إليه من ربه والمؤمنون كل آمن بالله وملائكته وكتبه ورسله...) [البقرة: ٥٨٢]

Яна бир мисол: Мўминун сураси, 1-оят
зафар топган мўминлар билан бошланади: (قد افلح
[المؤمنون: 1] охирида эса, кофирларнинг
нажот топа олмасликлари айтилади:

(ومن يدع مع الله إلها آخر لا برهان له به فإنما حسابه عند ربه إنه لا يفلح الكافرون) [المؤمنون: ٧١]

2) оятнинг ўзидан кейинги оятлар билан боғлиқлиги. Масалан: Фотиҳа сурасининг дастлабки уч оятида Аллоҳнинг оламлар Парвардигори эканлиги, у Раҳмон ва Раҳмли, қиёмат куни эгалиги айtilгач, бундай зотдан ибодат қилиш ва ёрдам сўраш керак бўлади. Ундан кейин эса, бундай Зотдан тўғри йўлга бошлаш сўралади;

3) бир ёки бир нечта оятлар ўртасида ҳукмларнинг боғлиқлиги. Бунга кўзни юмиш ва рухсат сўраш билан боғлиқ оятларни мисол қилиш мумкин. Изн сўраш авратга кўз тушмаслик учун жорий қилинган ва бу оятлардаги икки ҳукмнинг ҳикмати маълум. Бир оятдаги икки ҳукмга кўзни юмиш ва фаржни сақлаш билан боғлиқ оят мисол бўлади;

4) сура исми ва мазмуни ўртасидаги боғлиқлик. Қаф сураси номи ва мазмуни ўртасидаги боғлиқлик бунга мисол бўлади. Чунки сурада киши ҳаётида йўлиқтириши мумкин бўлган фитналар ҳақида гап кетмоқда. Жумладан, диндаги фитна бу йигитлар воқеасида акс этган, ҳамроҳлар фитнаси (واصبر نفسك مع الذين يدعون ربهم بالغداة والعشي...) [الكهف: ٨٢] оятида айtilган, мол-дунё фитнаси икки боғ эгаси киссасида баён килинган, илм фитнаси Мусо ва Ҳизр воқеасида ёритилган, султон фитнаси Зулқорнайн воқеасида келтирилган, қувват ва кўплик фитнаси Яъжуж ва маъжуж тўғрисидаги оятларда гапирилган.

Сурада ҳар бир фитнадан кутилиш йўллари баён этилган. Гўёки бу сура фитналардан тўсадиган ғор (қаҳф) кабидир. Пайғамбар (с.а.в.) ҳам “Ким Қаҳф сурасининг бошидан ўн оят ёд олса, Дажжолнинг фитнасидан халос бўлибди”, деганлар.

Юқоридаги иккинчи тур – *икки сура орасидаги муносабат*нинг бир нечта кўринишлари мавжуд. Улар:

а) сураинг ниҳояси кейинги сураинг боши билан бир хил бўлади. Масалан, Исро сурасининг охирида Аллоҳ таоло айтади:

(وقل الحمد لله الذي لم يتخذ ولدا...) [الإسراء: ١١١]

Маъноси: “Айтинг: фарзанд тутмаган Аллоҳа ҳамдлар бўлсин”.

Каҳф сурасининг бошида эса:

(الحمد لله الذي أنزل على عبده الكتاب ولم يجعل له عوجا...) [الكهف: ١]

Маъноси: “Бандасига Китобни нозил қилиб, унда нотўғрилиқ қилмаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”. Кўриниб турганидек кетмакет келган ушбу икки сурадаги икки оят ҳам бир хил мазмунга эга.

Бошқа мисол: Тур сурасининг охирида:

(ومن الليل فسبحه وإدبار النجوم) [الطور: ٩٤]

Нажм сурасининг бошида:

(والنجم إذا هوى) [النجم: ١]

деб бошланади. Икки оятда ҳам нажм, яъни юлдуз зикр қилинмоқда; б) бир сурасининг кейин келаётган сура мазмуни билан боғлиқлиги. Масалан, Зуҳо сурасида Пайғамбар (с.а.в.)га берилган ҳиссий неъматлар зикр қилинса, ундан кейинги Шарҳ сурасида у зотга берилган маънавий неъматлар эслатилади.

Бошқа мисол: Фотиҳа сурасида уч тоифа, яъни неъматланганлар мусулмонлар мисолида, ғазаб қилинганлар Бани Исроил мисолида, адашганлар эса насоролар мисолида баён этилган. Бақара сурасида аввалги икки тоифа зикр қилинган, Оли Имрон сурасида эса, учинчи тоифа зикр қилинади.

Юқоридаги турларнинг учинчиси **суралар орасидаги умумий муносабатларга** тааллуқли бўлиб, бунга мисоллар жуда кўп учрайди. Масалан, Нисо ва Ҳаж суралари “يا أيها الناس – эй инсонлар” жумласи билан бошланади. Нисода инсоният яратилиши ва ҳаётнинг бошланиши айтилади:

(يا أيها الناس اتقوا ربكم الذي خلقكم من نفس واحدة وخلق منها زوجها وبث منهما رجالا كثيرا ونساء) [النساء: ١]

Ҳажда эса, бу ҳаётнинг ниҳояси ва янги ҳаётнинг бошланиши айтилади:

(يا أيها الناس اتقوا ربكم إن زلزلة الساعة شيء عظيم) [الحج: ١]

Хулоса

Муносабат илми тафсир илми ичидаги бир соҳа бўлиб, унинг дастлабки кўринишлари саҳобалар даврида вужудга келган. Кейинчалик бу илм ривожланиб, алоҳида соҳага айланган. Натижада тафсир китобларида унга алоҳида эътибор қаратилди ва ҳатто бу соҳада алоҳида

китоблар ёзилди. Чунки Қуръонни тушунишда оятлар орасидаги боғлиқликни англамай туриб, илоҳий мазмунни тўла фаҳмлаб бўлмайди. Шу сабаб ушбу илмни ўрганиш ва унга аҳамият қаратиш даркор бўлади. Фақатгина олимлар шарт қилганлари каби ҳар бир оятни бошқасига бетартиб боғлаш нотўғри бўлади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Тоҳа Обидин Ҳамад. Ат-Таҳрир фи усулит тафсир. – ад-Даммом: Мактабатул мутанаббий, 2014.
2. Муҳаммад аз-Заркаший. Ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон / таҳқиқ: Муҳаммад Абу Фазл Иброҳим. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1980.
3. Бурҳониддин ал-Бақоий. Назм ад-дурад фи таносибил ояти вас сувар / Абдулраззоқ Ғолиб ал-Маҳдий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1994.
4. Махсудов Д. Тафсир услублари: дарслик. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021.
5. Мустафо Муслим. Мабоҳис фит тафсир ал-мавзуий. – Дамашқ: Дор ал-қалам, 2000.
6. <https://ar.m.wikipedia.org/wiki>
7. <https://vb.tafsir.net>
8. <https://www.alukah.net>